Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
10 ИЮНЬ, 1969 Й
СЕШАНБА
№ 135 (899).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЗАРБДОР ОДИМЛАРИ



◆ Ленинча меҳнат вахтасида

ПЕШҚАДАМЛАР

«Ташсельмаш» заводи механика-йиғув цехи шпинделларни силлиқлаш участкасининг Иззатулла Анорбоев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб, беш йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун самарали меҳнат қилмоқдалар. Аҳил коллектив маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин суратда ошириб, беш ойлик планни 105 процент адо этди.

Бригаданинг Х. Андақулов, Г. Кудрявцев каби пешқадам ишчилари сменада 750 ўрнига 900—950 тадан шпинделларни силлиқлаб ишлаб чиқариш нормаларини 1,5—2 ҳисса қилиб бажармоқдалар.

Бундан ташқари, участкада шпинделларни фрезировка қилиш станокларида ишловчи Н. Акулина, Қ. Собиров каби комсомол ёшлар ҳам 900 ўрнига 1000—1200 тадан маҳсулот ишлаб чиқаряптилар.

Бригада аъзоларининг ҳар бири беш йиллик ка мўлжалланган шахсий мажбуриятини Улуғ Октябрь байрамининг 52 йиллиги байрамигача, участка планини эса шу йилнинг 27 декабрида адо этиш учун курашмоқдалар.

◆ ИЛҒОР ТРЕСТ

«Главташкентстрой»га қарашли 159-қурилиш трести план бўлимининг бошлиғи Анна Павловна Жихарева редакцияга телефон қилиб, қуйидагиларни билдирди:

— Улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган социалистик мусобақани қизитиб юборган коллективимиз катта муваффақиятга эришди. Чунончи, трест меҳнаткашлари планда кўрсатилган 11 миллион 18 минг сўмлик ўрнига амалда 11 миллион 28 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Ўтган беш ой ичида пландан ташқари 10 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари адо этилди. Бунёдкорлик ишлари барча объектларда қизғин давом этяпти.

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

«Главташкентстрой»га қарашли 9-темирбетон буюмлари заводи 50 хилда темирбетон маҳсулотлари чиқаради.

Ўтган ойда корхона яна бир янги маҳсулот — 60 квартирали уй-жой бинолари учун яхлит девор панеллари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Корхонада май ойи плани ҳам ошириб бажарилди. Коллектив 240 ўрнига 241 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариб, белгиланган топшириқни 104 процент бажарди.

Цехлараро мусобақа натижалари сарҳисоб қилинганда арматурачиларнинг қўли баланд келди. Улар май ойи планини 110,4 процентга етказиб адо этиб, пландан ташқари 25 тонна арматура маҳсулотлари тайёрлади.



Сергей Богомолов бошлиқ йиғувчи-электр пайвандчилар бригадаси Тошкентдаги ирригация асбобсозлиги заводининг пешқадам коллективларидан бири. Улар энг муҳим буюртмаларни ҳамиша ўз вақтида адо этадилар.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) — бригада бошлиғи С. Богомолов ва унинг шогирди электр пайвандчи В. Никольский.

Йўлсозлар аҳди

Тошкент трамвай-тролейбус бошқармасининг йўл хизмати ходимлари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига ўзаро социалистик мусобақани кун сайин қизитмоқдалар. Янги трамвай йўлларини пухта қуриш, айрим бекатларни қайта реконструкция қилишда ҳиммат кўрсатишяпти.

Масалан, пойтахтимизнинг Невский, Шастри кўчаларидаги трамвай йўллари қайта ремонт қилинди. Халқлар дўстлиги, Бешқайрағоч массивига қатнайдиган трамвай излари тузатилди.

Йўлсозлар ойлик, квартал топшириқларини шараф билан адо этмоқдалар. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли шаҳримизнинг пўлат изларида транспорт ҳаракати нормал ишлаб турибди.

Яқинда йўлсозлар яна бир муҳим объектни қўлдан чиқардилар. Охунбобоев майдони Оқтепа маршрути орасида қатнайдиган янги трамвай йўли қурилиб фойдаланишга топширилди.

Бошқармада ўз ишини пухта биладиган ишчилар кўплаб топилади. Улардан А. Дўстназаров, М. Муҳамаджонов, С. Ориповларни кўрсатиш мумкин.

Трестга қарашли йўлсозлар ўзларига топшириладиган вазифаларни сидқидилдан адо этиб тез ва соз ишлашга қаракат қилмоқдалар.

◆ *Бугун В. И. Ленин музейи филиали қурилишида*

МОНТАЖ ҚИЛИШ ЖАДАЛЛАШДИ

Оддий иш куни. Прорабининг штабида одам кўп. Сўнгги кўрсатмалар бериляпти, янги топшириқлар олиняпти, бир дақиқанинг ўзида анча-мунча масалалар аниқланяпти. Шу ернинг ўзида лойиҳачилар алланарсаларни ҳисоблашяпти, телефон узлуксиз жиринглайди. Қурилиш бош инженери Марат Носирович Абдуллаев билан суҳбатлашиш ҳам анча қулай бўлди. У суҳбат орасида участка бошлиқлари, бригадирлар, ишчиларнинг саволларига лўнда жавоб қайтарди. Биз ундан В. И. Ленин номли марказий музей Тошкент филиали қурилиши ҳақида гапириб беришини сўрадик.

— Бўлажак бинонинг 9 метр 60 сантиметр ва 15 метр 60 сантиметрлик тўсиқларида темир-бетонларни монтаж қилиш тугалланяпти, — деди у. Айни пайтда цоколни мармар билан пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Кишилар ташаббус билан ишлашяпти. Ишнинг сифати чакки эмас. Ўзингиз ўйлаб кўринг, май ойида кўзда тутилган 160 минг сўмлик ўрнига 220 минг сўмлик иш бажарилди. Яқинда қурилишга Москвадаги «Главстальпроект»нинг бош мутахассиси Зиновий Ильич Брауде келиб кетди. У монтажчиларимизнинг ишларига яхши баҳо бериб, меҳнатимизни иттифоқдаги энг яхши қурилишлар билан тенглаштирди.

Энг севимли даргоҳни буюёд қилаётган коллективимизни интернационал меҳнат коллективи деб аташ мумкин. Қурилишни «11-Висотстрой»нинг 69-бошқармаси олиб боряпти. Бундан ташқари зарбдор қурилишда «Сибстальконструкция», Москванинг 901-қурилиш поезди, 1-пардозлаш трестининг 20-бошқармаси, «Узэлектромонтаж»нинг Тошкентдаги 1-бошқармаси коллективлари ҳам завқ ва шавқ билан ишлашяпти.

Иш икки сменада олиб борилмоқда. Объектнинг энг баланд жойларида ишлайдиган ўнлаб монтажчиларнинг номларини айтиб ўтиш керак. Пайвандлаш бўйича ажойиб уста, инженер Павел Мальганов, Пётр Емельянович Костенко бригадаси. Мухтор Ҳабибуллаев бошлиқ комплекс бригадалар қурилиш ишининг оғирини енгил қилишяпти. Костас Гагзас бошлиқ гишт терувчилар бригадаси ва бошқалар ҳам катта ҳажмдаги ишларни бажаришмоқда.

Қурилиш чиндан ҳам жадаллик билан боряпти. Бир сўз билан айтганда биз музей филиалини ўз муддатида тайёр қиламиз.



Тошкент куранти.

ҚУРИЛИШДА ЯНГИ ТЕХНИКА

◆Россия Федерациясининг бинокорлари ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари таннархини камайтиришда янги-янги имкониятларни излаб топмоқдалар. Айниқса тўрт қаватли ва тўққиз қаватли уйлар қурилишида суръатни оширишда катта ишлар қилинди.

Тахта опалубка ўрнига металл опалубкадан фойдаланиш туфайли бинолар пойдеворини тиклаш ва биринчи қаватни қуриш тезлашди. Шу янгилик ва янги конструкциядан фойдаланиш туфайли иморатнинг биринчи қавати 18 кун ўрнига 10 кунда битказилмоқда.

◆Пойтахтимиздаги «Оргтехстрой» трестининг коллективи қўриқ ва бўз ерларда қурилаётган посёлкалар учун янги типдаги уй-жойлар лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Икки квартирали силикат блоклардан тайёрланадиган гипс прокат панелли уйлар олти кунда монтаж қилинади.

Янги уйлар тезкорлик методлари билан қурилибгина қолмай, лойиҳачилар ҳонадонларга анча қулайликлар ҳам яратишган. Уч-тўрт хонали квартира олдига панжарали айвон қурилади, панеллар орасига қўйилган минерал пахта эса ёзда иссиқни, қишда совуқни ўтказмайди.

◆Уй-жой ва саноат объектлари қурилишида кўп ҳолда ётқизилган бетонни зичлаштириш учун анча ишчи кучи сарф қилишга тўғри келади. Бу ишни вибраторлар билан бажариш ҳам анча оғирлик қилади.

«Челябинскпромстрой» трестининг рационализаторлари «И—50» вибротўпғичга кичик ўзгариш киритдилар. У 25х5 миллиметрдан иборат пўлат игна ёки найчадан иборат бўлади. Бу туфайли бетонларни зичлаштириш осонлашди.

«Оргтехстрой» трести коллективи бу янгиликни шаҳар қурилишларида қўлланиш устида иш олиб бормоқда.



Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводининг дизель цехи коллективи ленинча меҳнат вахтасида туриб, ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: шлифовкачи Я. Муродов, катта мастер А. Побединский ва цех бошлиғи И. Бобров ўртоқлар иш графигининг бажарилишини кўздан кечирмоқдалар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

Коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгаши 9 июнда ўз ишини давом эттирди. Кун тартибидаги биринчи модда — ҳозирги босқичда империализмга қарши кураш вазифалари ҳамда коммунистик ва ишчи партияларнинг, барча антиимпериалистик кучларнинг ҳаракат бирлиги масаласини муҳокама қилиш давом этди.

Швейцария меҳнат партияси Марказий Комитетининг секретари, Раҳбарлик комитетининг аъзоси ўртоқ Я. Лейляйтер раислигида ўтган эрталабки мажлисда Ғарбий Берлин Бирлашган социалистик партиясининг Раиси ўртоқ Г. Даненлиус, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ В. Ульбрихт, Жазоир Социалистик авангард партияси Марказий раҳбарлигининг аъзоси ўртоқ Л. Бухали, Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ Н. Чаушеску нутқ сўзладилар.

◆ Пойтахтимиз меҳмонлари

ИНГЛИЗ ОЛИМИНИНГ САЁҲАТИ

Англиядаги қироллик жамиятининг аъзоси, Кембридж университетининг доктори Эрнест Лейпус ўзбек олимларининг олиб бораётган ишлари, республикамиз ҳаёти билан танишиш мақсадида Тошкентга келди.

Ингяиз олими сейсмология, геология ва геофизика институтлари, Навоий номли адабиёт музейи, Ойбек номли Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бўлди.

Э. Лейпус Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига ҳам бориб, у ерлардаги қадимий обидалар билан танишди.

САМАРҚАНД ЮБИЛЕЙИГА

Республика савдо палатаси доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини кутиб олишга бағишлаб бир қатор тадбирлар олиб бормоқда.

Савдо палатаси юбилейга бағишлаб республикада ишлаб чиқариладиган совға, нишон ва ҳар хил буюмларнинг конкурсини ўтказмоқда.

Тошкентдаги «Сувенир» фабрикасининг рассомлари ҳам конкурсда ўзлари ижод этган нафис совға буюмлари билан қатнашмоқдалар.

Фабрикада тайёрланаётган кўпгина совғалар қобилиятли рассомларнинг ижодига мансуб. Улар Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллигига бағишлаб тарихий ёдгорликларнинг кўринишлари тасвирланган ҳар хил совғалар ва нишонлар ясадилар. Шу кунларда фабрикада ана шу буюмларни оммавий суратда ишлаб чиқаришга киришилмоқда.

Олим билан суҳбат

ОБЬ ВА ЕНИСЕЙ ЎРТА ОСИЁГА ОҚАДИ

ХХ асрнинг улуғвор иншооти


СССР Министрлар Совети Сибирь дарёлари (Обь ва Енисей) сувининг бир қисмидан Ўрта Осиёда ерларни суғориш учун фойдаланиш бўйича лойиҳа-тадқиқот ишларини бошлаб юборишни иттифоқ мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига топширди. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўрта Осиё Давлат мелиорация қурилиши лойиҳа-қидирув институти — «Средазгипроводхлопок» бош лойиҳачи қилиб тасдиқланди. «Средазгипроводхлопок» институти шу йил март ойида бу соҳада иш бошлаб юборди.

Йигирманчи асрда жаҳон улкан гидротехник иншоотлар қурилишининг гувоҳи бўлди. Асрнинг бошларида Панама канали Тинч океанини Атлантика океани билан боғлади. Днепрогэс, Волга-Дон канали, Волга ва Енисей гидроэлектростанциялар каскади. Ўрта Осиёдаги ирригация қурилишлари совет гидротехниклари шон-шуҳратини оширди.

Лекин Сибирь дарёлари сувини Ўрта Осиёга буриб юбориш юзасидан кўзда тутилаётган ишлар кўлами шунчалик улуғворки, уни бошқа бирор иш билан таққослаб бўлмайди. Ҳатто Сибирдан Ўрта Осиёга келадиган сув олдида Амударё — Каспий трассаси нозик ипдай бўлиб қолади. Сирдарё ва Амударёлан қанча сув оқса, Сибирь дарёларидан ҳам Ўрта Осиёга шунча сув келади. Бинобарин Ўрта Осиё сув запаслари роппа-роса икки баравар, суғориладиган ерлар майдони беш баравар кўпаяди.

Лойиҳани техник жиҳатдан асослаш учун бир неча йил керак бўлади. Сибирь — Ўрта Осиё трассасида қурилиш ишлари саксонинчи йиллардан бошланади. Бу йигирманчи асрнинг улкан иншооти, коммунизм қураётган халқнинг буюк жасорати бўлади.

Газетамиз мухбири «Средазгипроводхлопок» институти бош инженери Лев Семенович Литвакка мурожаат қилиб, шу ғоят катта проблема қандай ҳал қилиниши ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди. Интервьюни газетанинг учинчи саҳифасида ўқийсиз.



НОТ активларининг слёти

Кеча

Тўқимачилар саройида Фрунзе ва Сергели район меҳнатни илмий ташкил этиш активларининг «В. И. Ленин меҳнатни илмий ташкил этиш тўғрисида ва ҳозирги шароитда НОТ масалалари» деган темада слёти бўлиб ўтди.

Слётни Фрунзе район партия комитети ҳамда район иқтисодий анализлар жамоатчилик бюроси ташкил этди.

Слёт қатнашчилари Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари Т. И. Акимованинг «Меҳнатни илмий ташкил этиш — катта давлат аҳамиятига эга» деган темадаги докладини тингладилар.

— Бугунги кунда, — деди докладчи, — Фрунзе ва Сергели районларидаги саноат корхоналарида меҳнатни илмий ташкил этиш учун бошланган ҳаракат ҳар тарафлама кенг қулоч ёйди. Иқтисодий анализлар ва норматив ҳисоблаш бюроларида, ижодий бригадалар, советлар ва НОТнинг бошқа хизмат участкалари ҳамда бўлинмаларида бир мингдан ортиқ киши жамоатчилик асосида иш олиб боряпти. Райондаги 24 корхона ва ташкилотда 1115 тадбирдан иборат меҳнатни илмий ташкил этишнинг 96 та плани ишлаб чиқилди. Бу тадбирларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишдан икки миллион сўмликдан зиёд фойда кўрилади.

Кўпгина етакчи мутахассислар шу соҳада орттирган тажрибаларини ўртоқлашдилар. Тўқимачилик комбинатининг бош инженери В. Зиков ўз сўзини ишлаб чиқариш эстетикаси, маданияти ва уларнинг меҳнат жараёнидаги ролига бағишлади, бош инженер ёрдамчиси Г. Гладишев эса меҳнатни илмий ташкил этишни тўғри олиб бориш — корхона бир меъёрда ишлашининг ҳал этувчи фактори эканлигини айтди.

НОТ фаолиятининг доираси жуда кенг. Унда инженер-техник ходимлар ва ишчилардан ташқари олимлар ҳам иштирок этадилар. Шунинг учун ҳам Низомий номли Давлат педагогика институти психология кафедрасининг катта ўқитувчиси М. Хотамов, район санитария-эпидемия станциясининг врачи Е. Нефедовлар сўзга чиқдилар.

Слётда район саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва муассасаларида меҳнатни илмий ташкил этишни бундан буён янада кенг жорий этиш юзасидан тавсиянома қабул қилинди.

Слёт қатнашчилари Москвага — коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашига табрик телеграммаси йўлладилар. Табрик телеграммада: «Сизларга, қадрли ўртоқлар, халқаро коммунистик ҳаракатнинг марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари асосида жипслашиши учун олиб бораётган курашингизда катта муваффақиятлар тилаймиз» дейилган.

РОССИЯ УЙЛАРИ

«Росташстрой» трестининг бошқарувчиси В. ЖИЛИН ҳикоя қилади

БИЗ бу баҳорда Тошкентда зилзиладан шикастланган уйлар ўрнида қардош республикалар қурувчилари тиклаган бинога завқланиб тикиламиз. Қурувчилар билан жасоратли шаҳар аҳолиси учрашуви хотирамизда узоқ сақланиб қолади. 1966 йили жуда катта зарар кўрилди. Аммо кишиларнинг қалб учқуни ҳар бир юракда ёнди. Уларнинг ҳаммаси ташвишни баҳам кўришди. Новосибирскликлар қурган биринчи чодирлар шаҳарга ёрдам бериш учун келаётган қурувчиларга йўл очиб берди. Орадан кўп ўтмай, бу ерга Подмосковье, Волгоград, Тула, Челябинск, Ярославль қурилиш-монтаж поездларининг коллективлари келишди... Тошкентни тиклаш учун Россия Федерациясининг 45 областидан қурувчилар келишди. Улар қўлни-қўлга бериб, маҳаллий аҳолига уй-жой кўришди.

Биринчи кунлари ўз кўрилиш базасига эга бўлмай, иссиқ иқлим шароитларида қурувчилар чинакам жасорат ва шижоат билан ишладилар. Ҳар кимнинг фикри-зикри бир нарсага — чодирларда яшаётган кишиларга тезрок бошпана беришга қаратилган эди. Бу ўз ватанпарварлик бурчини ҳис этишнинг олий нуқтаси сифатида намоён бўлди. Ғишт терувчилар ва монтажчилар, сувоқчилар ва бўёқчилар пардозлаш вақтини кутмай, қўлни-қўлга бериб ишлашди. Улар тезкорлик билан қўшимча касбларни ўзлаштириб, ишни тезлатдилар.

Шундай уюшқоқлик ва активлик туфайли «Росташстрой» трестининг кўпминг кишилик коллективи 1966 йили 18 та беш қаватли уйни фойдаланишга топширди. Тошкентликлар 1550 квартирага кўчиб киришди.

Биз уй қуриш билан биргаликда ўзимизга ишлаб чиқариш базаси тайёрладик. 1967 йили «Марказ-4» ва «Марказ-5» кварталида иш бошлаган трест қурилиш поездларининг коллективлари ихтиёрида бир нечта ихтисослашган бошқарма ва участкалар бор эди. Темир-бетон буюмлари заводи маҳсулот беради. Темирбетон конструкцияларини тайёрлаш бўйича полигон қурилди. Шунга қарамай, барча қурилиш - монтаж поездлари қурилиш учун зарур бўладиган маҳсулотларни узоқ Россиядан олиб келишда катта қийинчиликларга дучор бўлишди.

Олдимиздаги вазифаларни ҳал қилишда бизга Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, ҳамда маҳаллий партия, ва Совет ташкилотлари катта ёрдам беришди. «Главташкентстрой»нинг 1, 5, 3, 6-темир-бетон буюмлари заводи, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Главиндустрия»ни нг Чирчиқдаги 2-темир бетон заводи, Олмалиқ ва бошқа шаҳарлардаги заводлар объектларимизни ўз вақтида қурилиш материаллари ва қурилиш индустрияси буюмлари билан таъминлаб туришди.

Бунинг натижасида 1967 йилнинг охирида 160 минг квадрат метр уй-жой, мактаб ва тўртта болалар боғчаси фойдаланишга топширилди.


Россия бинокорлари айниқса ўтган йили баракали ишладилар. Тўрт ва тўққиз қаватли уйларнинг технологиясини такомиллаштиришда анча ишлар қилинди. Ишлаб чиқаришга ҳар бир қурилиш поездида 3—4 тадан рационализаторлик таклифи жорий қилиниб, ундан йилига бир миллион сўмдан кўпроқ фойда олинди. Агар илгари тўрт қаватли уйнинг бир қавати 18 кунда қуриладиган бўлса, конструкция, мослама ва таклифларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши туфайли эндиликда ўша иш 10 кунда қилинмоқда.

Ўтган йили «Росташстрой» ташкилотларида биринчи марта тўққиз қаватли уйларни қуриш технологияси ишлаб чиқилди. Шу туфайли кўпгина масалаларни ҳал қилишга тўғри келди. Пойдеворлар қуришда опалубка ва арматурани монтаж қилиш суръатини белгиладик. Арматурани йиғиш эса кўп вақт ва меҳнат талаб қилади. Подмосковье қурилиш поездининг рационализаторлари металл опалубканн ишлатишни таклиф қилдилар. Трест техника бўлимининг таклифига биноан арматура тўрга бирлаштирилди. Буларнинг ҳаммаси ҳаражатни камайтириш, нуль цикидаги ишлар муддатини уч ойдан бир ярим ойгача қисқартириш имкониятини берди.

Ҳозир қурилиш майдонларида иш қизғин. «Росташстрой» коллективлари маррага яқинлашиб келмоқдалар. Тошкентда энг сўнгги ишлар ниҳоясига етказилмоқда. 6 та қурилиш-монтаж поезди 1968 йил ва 1969 йилнинг биринчи кварталида ўз программаларини тугатди. Шаҳарни тиклашда Куйбишев, Тула, Подмосковье, Горький ва Новокузнецк бинокорлари намуналн ишладилар. Уларнинг ҳамма ўз топшириқларини бажариб Тошкентда ажойиб уйларни тортиқ қилиб қолдиришди.

Қурилиш ташкилотларимизда ишловчиларнинг 80 процентн комсомол ва ёшлардан иборат. Меҳнатда А. Романцев ва В. Скороваров бошлиқ бетончилар ва монтажчилар бригадаси (Тула), Новокузнецк қурилиш поездининг Н. Ельц бошлиқ бўёқчилар ва В. Гонтаренко бошлиқ сувоқчилар бригадаси, Горький қурилиш поездининг Ю. Вдовин бошлиқ дурадгорлар ва З. Машинистова бошлиқ пардозловчилар бригадаси, Подмосковье қурилиш-монтаж поездининг Ленин орденли А. Данилов бошлиқ комплекс ва А. Шульга бошлиқ дурадгорлар бригадаси каби коллективлар намунали ишладилар.

Ҳозир ўз программасининг тугатиш арафасида турган «Росташстрой» трести коллективи, меҳнат унумдорлигини оширишда янги-янги имкониятларни ишга солмоқда. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақанинг кенг қулоч ёйиши, ишимиз ривожини таъминлайди. Мусобақа ҳар бир қурилиш поездида, ҳар бир участка ва бригадада давом этмоқда. Ҳар қачонгидек коммунист ва комсомоллар ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатишмоқда. Уларнинг ҳаммаси қурилишни яқин икки ой мобайнида ниҳоясига етказиб, ўзларининг биродарлик бурчларини оқлаш учун ҳаракат қилишмоқда.



СУРАТДА: РСФСР қурувчилари барпо қилишган 9 қаватли уйлар.
В. Ломовцев фотоси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ГА ЁЗИЛГАН ХАТЛАРДАН

Яхши одамлар

Биз Тошкент шаҳридаги республика юқумли касалликлар шифохонасида даволанар эканмиз, докторлик касбини пухта эгаллаган ажойиб фазилатли кишила р и м и з д а н ғоят мамнун бўляпмиз. Айниқса, Абдуборий Юсупов ҳамма хизматчиларнинг ва беморларнинг ҳурматиззатига сазовардир. У ширинсўзлиги, меҳрибонлиги ва билими билан дардимизга даво топмоқда-

Биз газетангиз орқали қалбн дарё, қўли гул шифокорларга юрак ташаккуримизни етказишингизни сўраймиз.

С. Б. ШУСТЕР,
республика аҳамиятидаги пенсионер.

З. Х. ҲИКМАТОВ,
ошпаз.
М. Ш. ИСЛОМОВ,
инженер.

ОТА-ОНАЛАР ХУРСАНД

Мурғак гўдак уйдан кейин боғча қучоғида тарбия ола бошлайди. Оналарийиз ўз фарзандларини боғчага олиб келиб топширишар экан, тарбиячилардан кўнгиллари тўқ, хурсанд бўлишлари керак. Шу жиҳатдан олганда, пойтахтимизнинг 21-болалар боғчасидаги тарбиячилардан ота-оналар ғоят минатдор бўлишмоқда.

Тажрибали педагог Нафиса Юнусова раҳбарлик қилаётган бу боғчада 100 дан ортиқ эркатой тарбияланмоқда. Ўз касбига ихлос қўйган М. Сирожиддинова, М. Ҳўжаева, Ҳ. Ёқубова М. Раззоқҳўжаева, М. Тўраева каби болажон тарбиячилар жонбозлик кўрсатиб ишлашмоқда.

Қ. СОАТОВА.

ШУ ҲАМ МУОМАЛАМИ?

Пскент —Тошкент автобуси автостанцияга етиб келди. Автостанция ёнгинасида қатор таксилар йўловчиларни кутиб турибди. **92—91 ТНГ** номерли такси ҳайдовчисидан бизни Низомий номли педагогика институтига олиб боришни сўрадик. Шофёр: «Сиз борадиган жойгача 2 сўм бўлади», — деб жавоб берди. Биз унга: «Такси сизнинг шахсий машинангиз эмас-ку! Бизни элтиб қўйганингиздан кейин ҳақингизни оласиз», — деган эдик, у ўдағайлаб: «Ўт парига!» — деб қолса бўладими?!

Биз бошқа такси билан педагогика институтигача келдик. Таксометр 52 тийин кўрсатди. Биз шоферга ҳақини бериб, йўлимизда давом этдик. Аммо **92—91 ТНГ** номерли такси шоферининг қўполлиги кўз олдимиздан нари кетмасди.

А. ТЎРАҚУЛОВ,
Студент.
М. РАҲИМОВА,
64-боғча тарбиячиси.

Т. ҚОДИРОВ,
ўқитувчи.

Мактаб кутубхонаси

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 169-мактаб кутубхонаси ҳамиша ўқувчилар билан гавжум бўлади. Болалар ўзлари севган шоир ва ёзувчиларнинг асарларини қизиқиш билан ўқийдилар.

Муборак опа мудирлик қилаётган кутубхона ишлари мактовга лойиқдир. Ўз касбини жон-дилидан севган бу аёл 18 йилдан буён шу соҳада ишлаб, ҳурмат ортирди.

Муборак опанинг ташаббуси билан жуда кўп ишлар қилинди. В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишлаб доҳий асарлари кўргазмаси, «Ленин мати барҳаёт», «Ленин—тинчлик демакдир», «Ленин ва Октябрь», Ленин бўлган жойлар», «Ленин ҳақида ёзилган шеърлар»ни акс эттирувчи кўргазма, альбом ва плакатлар тайёрланди.


Айниқса, кутубхонада ташкилэтилган «Ленин бурчаги» ўқувчи-китобхонларнинг диққатини ўзига тортади.


— Мактаб кутубхонасига 1420 ўқувчи аъзо, бу ерда 5 мингдан ортиқ китоб фонди бор, — дейди биз билан суҳбатда Муборак опа Жўраева. — Кутубхонани янги-янги бадиий адабиётлар билан бойитиш мақсадида яқинда яна 500 сўмлик китоб олинди.

Муборак опа Жўраеванинг ширинсўзлиги ва самимийлиги туфайли китобхонлар унинг ишидан хурсанд бўлишмоқда. Шу кунларда бу кутубхона мактаб пионер лагеридагиларга ҳам намунали хизмат қилмоқда.

Т. ТЎРАҚУЛОВ.

• Олимлар лабораториясида





Ўзбекистон Фанлар академияси ўсимликлар химияси институтининг экспериментал-технология лабораториясида ўсимликлардан препаратлар олиш технологияси ишлаб чиқилаяпти.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) яқинда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган олим Самат Турсунович Акрамовни кўриб турибсиз. У ҳозир ўсимликлардан янги шифобахш дорилар олиш устида иш олиб боряпти. Пастда — химия фанлари кандидати Таълат Шокиров установка ёнида.

И. Глауберзон фотолари.

СУРАТДА: Тошкент экскаватор ремонти заводининг бир гуруппа пешқадам ремонтчилари (чапдан ўнгга) слесарлар бригадаси бошлиғи Н. Какиулин, слесарь В. Жаплов, Б. Сафиуллин ва кўтарма кран машинисти О. Булавко ўртоқлар. Бу ишчиларнинг барчаси ўз шахсий беш йиллик топшириқларини тўрт йилда бажаришга аҳд қилганлар.



ЮКСАК САВИЯДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги маҳаллий Совет ходимларининг малакасини ошириш республика курсида областларнинг қишлоқ посёлка, овул советларидан келган 50 дан ортиқ киши билим савияларини оширмоқдалар.

Курсда ўқитувчилардан К. Комилов, Н. Ф. Кошилев, С. Каримов, Қ. Умаров, Ҳ. Аъзамов ва бошқа ўртоқлар қизиқарли мазмунли доклад қилдилар.

Дарслар шинам аудиторияларда олиб бориляпти. Шу билан бирга курс тингловчиларига ётоқхона ва ошхона яхши хизмат қилмоқда.

И. АҲМЕДОВ.

ТАРБИЯ МАВЗУИДА

Октябрь районидаги «Оқтепа» маҳалласи кундан-кунга обод бўлиб бормоқда.

Маҳаллада тез-тез йиғинлар ўтказилиб турилади. Яқинда бу ерда наврўз байрами бўлиб ўтган эди. Куни неча маҳалла клуби яна кишилар билан гавжум бўлди. Маҳалла комитетининг раиси Саъдулла Хабиров, котиби Усмон Акбаров, комитет аъзоси Мўмин Ҳамидов ва бошқалар бошчилигида ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга бағишланган кеча бўлди. Ўнлаб кексалар қатнашган бу кечада Октябрь район халқ маорифи бўлимининг мудири, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Саидлакбар Саидаҳмедов, Республика рус тили ва адабиёти институтининг профессори Юнус Аҳмедов ўртоқлар сермазмун доклад қилишди.

М. ИБРОҲИМОВА,
ишчи.

ИЛМИ СОЗ, КЎПЛАРГА УСТОЗ


Троллейбусдан қотмадан келган, ўрта бўйли бир йигит тушди-да тўғри институтга қараб йўл олди. Студентлар ҳурмат билан унга салом беришди. Йигит вазмин қадамлар билан рўпарадаги беш қаватли бинога кириб кетди. У, Тошкент Давлат политехника институтининг ўқитувчиси Абдуғаффор Абдураҳмонов эди.

Абдуғаффор ака бенихтиёр ўзининг студентлик йилларини эслади. Ўшанда у ҳам ўқитувчиларини дўстлари билан худди ҳозиргидек чуқур ҳурмат билан қаршн оларди. Институтни тугатгач, шу ерда қолди.

Ҳақиқатдан ҳам ўқитувчилик қийин иш. Қанчадан-қанча студентлар, сенга боқиб турган юзлаб кўзлар, саноқсиз саволлар ёш ўқитувчини дастлаб шошилтириб қўйди. Аммо илмнинг бой бўлса, дадил ҳаракат қилсанг ҳамма нарсани уддалаш мумкин экан. Касбни жон-дилидан севиш, студентлар дилидагини топиб гапириш, маҳоратли ўқитувчилардан тинмай ўрганиш Абдуғаффорга обрў келтирди.

Ёши улуғроқ муаллимлар бу қобилгина шогирдининг тиришқоқлигини кўриб ўзларида йўқ севиннишарди. Эндиликда Абдуғаффор Абдураҳмоновнинг ўзи ҳам устоз бўлиб қолди. Институтнинг қурилиш ва граждан саноати, архитектура ва механика-математика факультетларида етиштириб чиқарган кўплаб шогирдлари фаннинг турли соҳаларида намунали ишлаб келмоқдалар.

Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ.



СУРАТДА: украиналик қурувчилар Лоҳутий кўчасида қурган янги турар жой биноси.
М. Нуриддинов фотолари.

Бир хат изидан

НОМА ВА ҲАНГОМА

«Ҳурматли редакция»!

Мен Мирсултон Муҳамедов укам Мирзоҳид Ўлмасов билан 5-таксимотор паркида чойхона очиш учун шу автомобиль хўжалиги директори ўртоқ Тўхтамурод Мирқосимов ҳузурига бордим. У киши таклифимизни ниҳоят хурсанд бўлиб, шундай дедилар:

— Шу чойхона хусусида кўп одам менга учрашди-ю, эртага келаман деганича, дом-дараксиз йўқолиб кетаверди. Агарда сизлар шу ишни астойдил қилмоқчи бўлсангизлар, муовинимиз Орифжон Аминовга айтаман, у сизларга жой кўрсатиб беради.

Директорнинг шу гапидан кейин ўртоқ Орифжон Аминов бизга бир жой кўрсатди. У ахлат тўла катта сарой эди. Бу ерда чойхона очиш учун кўп меҳнат қилиш кераклиги кўриниб турарди. Шундан бўлса керак, биздан олдинги кишилар бу ишни амалга оширишга журъат этишмаган.

Биз қийинчиликдан тап тортмай февраль ойининг совуқ кунларида иш бошладик. Бир неча кун лой чангаллаб, тупроқ ташиб, чойхонани эпакага келтирдик. Энди иш бошлаймиз, деб турганимизда Т. Мирқосимов кабинетларига чақириб қолдилар ва эгри кўлликда донг чиқарган Ўринбой Содиқовнинг чойхоначи бўлишини айтдилар.

Бу ҳақсизликдан фиғонимиз фалакка чиқиб, Чилонзор район ошхоналар трестига қарашли 10-ошхонага бориб, директор Абдулла Норматовдан бизга ёрдам беришни илтимос қилдик. Афсуски, сўзимиз инобатга ўтмади.

Мана, ҳозир биз барпо этган чойхонада Ўринбой Содиқов даври-даврон суриб юрипти. Етти «ёрдамчи» ёнида парвона, аммо штатда бир ўзи! Ошхонадан номигагина маҳсулот олиб, қолганини бозордан келтириб, кабоб-палов, шўрва пиширибгина сотиб юрипти.

Биз ишлаб, роҳатини наҳотки Ўринбой кўрса?! Ҳалол меҳнатимиз самарасини ўзимиз кўрсак деган умиддамиз.

Камоли эҳтиром билан: **Муҳамедов».**

Бу хатни ўқиб, ўйланиб қолдик. Наҳотки, Чилонзордаги 10-ошхона ўз ходими Мирсултон Муҳамедовни иш билан таъминлай олмаган бўлса?! Агар шундай бўлмаса, нега у чойхона очмоқчи бўлиб, қаҳратон қишда 5-таксимотор паркига борда? Уни нима мажбур қилди... Бу ёғи бизга қоронғу эди.

Шикоятда ёзилган фактларни аниқлаш учун 5-таксимотор паркидаги чойхонага кириб бордик. Учта ошпаз самовар қайнаб турипти. Унинг жўмратини Болтабой Убайдуллаев деган бир киши бурарди. Тўртта ошпаз қозонда пиширилган таомлар аллақачон сотиб бўлинган. Фақат кабобпазнинг қўлиқўлига тегмайди. Ичкарида уч киши навбатдаги таомларга гўшт қиймаламоқда, пиёз тўғрамоқда. Тоғорада эса хамир тиндириб қўйилган. Каравот ёнида мантн қасқонлар. Кўринишидан лағмон билан мантига ҳозирлик кўрилаётган эди. Бу ишни пазандалардан Нурмамат Қосимов, Азиз Масимов ва бир йигит амалга оширмоқда эди.

Чойхонада хизмат қилиб, елиб-югурнб юрганлар анчагина. Шу пайт чойхоначи Ўринбой Содиқов ёнимизга югуриб келди:

— Ассалому алайкўм, акалар, хизмат?

— Чойхонада неча киши ишлайди?— сўрадик чойхоначидан.

— Икки киши. Ўзим билан уборщица Мукаррам Насриддинова.

— Ундай бўлса, мана бу кабобпаз, мантипаз, чойхоначи кимлар?

— Ўзлари шундай ёрдамлашиб турпшипти... Буларни ҳозиргина кўрдим...

Елғон гапираётгани чойхоначининг хатти-ҳаракатларидан яққол сезилиб турарди.

Бир пайт оқ халатлиларнинг ҳаммаси кўздан ғойиб бўлди. Улар дарҳол ечинишган эди.

Биз Ўринбой Содиқов билан 10-ошхонага бордик. Директор ҳам, унинг ўринбосари ҳам йўқ экан. Чойхона оборот плани билан танишдик. Кунига 70 сўм топшириб, Содиқовнинг ўзи ойига 60 сўм маош олар экан.

— Онангиз каттами?—сўрадик Содиқовдан.

— Ҳа, ҳозир тўққиз жонмиз, аслида ўн бир жон эдик. Икки қизимни чиқарганман.

Ажабо, 60 сўм билан иккн қизга қандай тўй қилди-ю, тўққиз жонни қаердан келган даромад билан боқяпти? Бунинг устига чойхонада унга «ёрдамлашаётган» одамларга ҳам ҳақ тўлаш керак.

Кечга яқин яна чойхонага бордик. Кабоб пишяпти, икки қозон қайнаб турипти. Гапдан-гап чиқиб чой қуяётган Болтабой Убайдуллаев оғзидан гуллаб қолди:

— Ўринбой — мард йигит. Ёшлигимиздан бирга катта бўлганмиз. Тахтапулдаги қарнлар чойхонасида ишлаб турувдим. Бир куни Ўринбой бориб, шуишни ташла, бирга ишлаймиз, деди. Шартта ариза бердим-у, бўшаб келдим. Мана, шунгаям бир ярим ой бўлди. Эрталаб еттидан то кун ботгунча шу ердаман.

— Бу ерда ишлаш учун буйруқ олганмисиз?

— Йўқ.

— Текинга ишлаяпсизми?

— Энди, тирикчилик ўтиб турипти.

Бу ердаги қозон-товоқ, чойнак-пиёла, челак, айниқса, самоварларнинг кирига қараб бўлмайди. Ҳаммаёқ чанг-тўзон. Гуриллаб турган ўнлаб машиналар ҳаммаёқни тутунга бурлайди, чанг кўтаради. Шундай жойда овқат тайёрлашга ким рухсат бердийкин, деб турган эдик. Ўринбойнинг ўзи ёрилиб қолди:

— Биринчи июнда район санитария бошқармасидан ўртоқлар келиб, ишни тўхтатиш кераклигини айтишди. Зўрга 20 июнгача рухсат олдик.

Шу пайт таксимотор паркн директорининг ўринбосари Орифжон Аминов билан бош инженер Собит Собиров келиб қолди. Уларнинг барча воқеадан хабардорлиги кўриниб турарди.

— Кечқурун ишлайдиганлар бор. Мана бу таомларни,— қозонга ишора қилди бош инженер,— биз пиширяпмиз. Масаллиқларни ҳам ўзимиз келтирганмиз.

Директор ўринбосари ҳам унинг фикрини қувватлаган бўлди. Демак, Ўринбой билан буларнинг ҳам тили бир экан.

Бу ерда Ўринбой Содиқов бошчилигида қилинаётган ишлардан 10-ошхона раҳбарлари наҳотки бехабар бўлса?! Балки шундайдир. Хўш, улар ўз ходимлари Мирсултон Муҳамедовнинг бир неча ойдан буён бекор юрганидан ҳам хабарлари йўқмн?!

Биз юқорида баён этган ҳангомаларга Чилонзор район ошхоналар трестининг раҳбарлари нима дейишар экан?

У. ЮСУПОВ,
Ҳ. ҲАКИМОВ,
«Тошкент оқшоми»нинг мухбирлари.

ОБЬ ВА ЕНИСЕЙ ЎРТА ОСИЁГА ОҚАДИ

— Лев Семёнович, институтингиз ҳозир бажараётган ишни яқиндагина дадил ниҳоятдаги деб аташ мумкин эди. Келинг, суҳбатимизни мавжуд нарсалардан бошлайлик: Ўрта Осиёда суғоришга яроқли ерлар қанчаю, сув қанча!

— Орол денгизи ҳавзасида ўзлаштириш мумкин бўлган ерлар 35 миллион гектарни ташкил қилади. Шундан 14 миллион гектари Амударё ҳавзасидадир. Қолганлари Сирдарё ва бошқа дарёлар ҳавзасига тўғри келади. Сирдарё ва Амударё сувлари юз куб километр ҳисобланади. Бунча сув билан 8 миллион гектарга яқин ерни суғориш мумкин. Ҳозирги вақтда 4 миллион гектардан зиёд ер ёки ўзлаштириш мумкин бўлган умумий майдоннинг 10 процентидан сўғорилмоқда. Дарёларда сув оқимини тартибга солиб, уларни ўзимизга тўла бўйсундирсак, шу билан бирга сизот сувлардан ҳам фойдалансак, яна 4 миллион гектар ерни сув билан таъминлаш мумкин. Бунинг учун ирригация системаларимизни бутунлай реконструкция қилишга тўғри келади.

— Иқтисодий ҳисоблар суғориладиган ерларнинг мавжуд майдонларини кенгайтирмаслик мумкин эмаслигини кўрсатиб турибди-ку.

— Жуда тўғри. Сўнгги вақтларгача Ўрта Осиё аҳолиси суғориладиган ерларнинг кенгайишига нисбатан тезроқ кўпайди. Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятлари бу нисбатни ўзгартириш имконини беради. Бизнинг бу ишончимиз партия ва ҳукуматимизнинг мелиорация ва ирригация қурилиши суръатини кескин ошириш ҳақидаги сўнгги қарорига, суғориладиган деҳқончилик проблемаларига катта эътибор берилаётганлигига асосланади. Мамлакатнинг пахтага бўлган эҳтиёжи, синтетик толалар ишлаб чиқаришнинг кўпайишини эътиборга олиб ҳисобланганда ҳам, 1980 йилга бориб 9,1 миллион тоннага етади. Гуруч, сабзавот, мева ва узумга бўлган эҳтиёжларимиз ҳам бир неча баравар кўпаяди.

Демографларнинг ҳисобларига кўра, Ўрта Осиёда ҳозирги вақтда 18 миллион киши (шундан 7 миллион киши шаҳарларда) яшаётган бўлса, икки мингинчи йилга бориб, аҳоли сони 35,3 миллион кишига етади. Шундан 21,5 миллион киши шаҳарларда яшайди. Аҳоли сонининг бунчалик кўпайиши озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни асосий проблема қилиб қўяди. Бу эса суғориладиган ерларнинг майдонига боғлиқдир.

Биз суғориладиган экин майдонларини кўпайтиришимиз керак. Шу билан бирга Ўзбекистон мамлакатнинг асосий пахта базаси эканлигини, келгусида ҳам пахта толасига бўлган эҳтиёж йил сайин ошиб боришини унутмаслик керак.

— Қолган ерларни суғориш учун сувни қаердан олиш керак!

— Ўрта Осиё дарёларининг суви камлик қилади. Бинобарин сувни бошқа ёқдан келтириш керак.

— Қаёқдан!

— Келинг, географик харитани бир тасаввур қилиб кўрайлик. Аввал қайси дарё яқинлигига эътибор берамиз. Ўрта Осиёга Урал ва Волга дарёлари яқин. Лекин Урал дарёсининг суви кам. Волганинг суви кўп. Амма бу дарёнинг қуйи оқимида, Қалмиқ чўлларида катта майдонларни суғориш программасини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари Волгадаги улкан сув омборларини тўлдириш натижасида Каспий денгизига қуйиладиган сув камайиб кетиб, унинг сатҳи анча пасайди. Денгиз суви энди кўпаймоқда. Ҳолбуки Каспий денгизининг аҳамияти катта. У мамлакатнинг Европа қисмини иссиқ шамоллардан сақлайди. Шу билан бирга ундан транспорт йўли сифатида фойдаланилади, балиқ овланади. Бинобарин Волга сувига тегиб бўлмайди. Мантиқий далиллар ҳам, сув хўжалик ҳисоблари ҳам шуни кўрсатиб турибди.

Энди Шарққа назар ташлайлик. Иртиш, Обь, Енисей, Лена дарёлари ўз сувларини Шимолий муз океанига элтиб қуймоқда. Бу дарёлардан қишлоқ хўжалиги учун ҳеч қандай наф йўқ. Келгусида бу дарёлар атрофида ерларни суғориб ҳам бўлмайди.

Обь ва Енисей улкан дарёлардир. Уларнинг ҳар бири Амударёга нисбатан бир неча баробар катта. Бинобарин бу дарёларда кема қатновига ҳалақит бермаган ҳолда, улардан ўзимизга керакли миқдорда сув олишимиз мумкин.

Маълумки,, Сибирь дарёлари сувини Ўрта Осиёга буриб юбориш ғояси янги эмас. Бу ғоя ўтган асрнинг охирларида ҳам илгари сурилган. Лекин уни амалга ошириш учун эҳтиёж сўнгги вақтлардагина юзага келди. Социализм мамлакатимизда халқ хўжалигининг тез ривожланишини таъминлади. Илгари афсона бўлиб туюлган идеяларни амалга ошириш устида ҳозир пойҳақилар зўр ғайрат ва кўтаринки руҳ билан ишламоқдалар.

—Бўлажак ишлар кўлами қандай, трасса қаердан ўтади!

— Обь ва Енисей дарёларидан 100 куб километр сув олишни кўзда тутмоқдамиз. Бунда ҳар секундда 3 минг куб метр сув сарфлаш назарда тутилади. Совет Иттифоқида энг катта канал — Жанубий Мирзачўл каналидан секундига 300 куб метр сув оқади. Тўғриғоғи, Мирзачўл тўла ўзлаштирилгач каналдан шунча сув олиши керак. Енисей суви Осинов ГЭСи районида, Обь суви Омский яқинида Иртиш суви эса Гагарин сув омбори районида Ўрта Осиёга бурилади. Сўнгра трасса Қозоғистон чўллари ва Қизил Урда шаҳридан ўтиб, Сирдарёга етиб келади. Трассанинг Енисейдан Сирдарёгача бўлган масофаси 2600 километрдир.

Сибирь — Ўрта Осиё канали Қизил Ўрда яқинида иккига бўлиниб, шимолий канал Қизилқум орқали ўтади ва Туямўйин яқинида Амударёга қуйилади. Жанубий канал эса Сирдарёнинг мавжуд ўзанидан Чордарага келади, у ердан ғарбга бурилиб, Чоржўй районида Амударёга қуйилади. Трассанинг Ўрта Осиё қисми узунлиги минг километрдан зиёдроқ бўлади. Сибирь — Ўрта Осиё каналининг умумий узунлиги 3700 километрга етади. Албатта, буларнинг ҳаммаси ҳомаки ҳисоблардир. Трассанинг энг мақбул йўли танлаб олинади.

— Лев Семёнович, каналдан сув ўз қолича оқаверадими ёки насос станциялари қурилдими!

— Канал ўтадиган жойлар рельефи шундайки, ундан сув ўзи оқиб келмайди. Лекин сувни жуда юқорига насос билан чиқаришга ҳам тўғри келмайди. Насос станциялари сувни фақат 60 километр юқорига чиқариб беради.

— Бу лойиҳанинг амалга оширилиши Орол денгизига қандай таъсир кўрсатади!

— Сирдарё суви ҳозир денгизга етиб бормаяпти. деса бўлади. Амударё сувининг ҳам ярмигина денгизга қўйилмоқда. Бунинг оқибатида Орол денгизи сувининг сатҳи сўнгги беш йил ичида бир ярим метр пасайиб кетди. Амударёнинг сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш бош схемасига кўра, дарёнинг ҳамма сувидан суғориш учун фойдаланилади. Яъни Амударё суви Орол денгизига етиб бормайдиган бўлиб қолади. Денгиз эса астасекин қуриб қолиши мумкин. 1978 йилгача денгиз суви аста-секин, ундан сўнг эса тез камаяди. Денгиз сувидаги туз миқдори ортади. Унда балиқ овлаб бўлмай қолади.

Қайси бири фойдалироқ: денгиз суви сатҳини бир меъёрда сақлаш ёки Амударё ҳавзасида суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришми? Суғориладиган ерларни кенгайтириш ҳисобига Орол денгизини қурбон қилиш фойдалироқдир. Денгиздан ҳар йили 300 минг центнер балиқ овланади. Унинг қиммати 30 миллион сўмга етади. Амударёнинг ҳамма сувини суғоришга сарфласак, қўшимча йилига 1,8 миллиард сўмлик маҳсулот оламиз. Соф даромад эса 760 миллион сўмга етади. Қайси бири фойдали эканлигини шундан билиб олиш мумкин.

Сибирь дарёларини Ўрта Осиёга буриб юбориш эса, Орол денгизини сақлаб қолишга имкон беради. Мутахассисларнинг айтишларича, Сибирь дарёлари сувининг бир қисми Ўрта Осиёга келса, бу ерда иқлим ҳам бироз юмшайди.

— Сўнгги савол: бу улкан проблема устида ишлаш вазифасини институт коллективи қандай кутиб олди!

— Бу ишни бизга топширганларидан катта ижодий қониқиш ҳосил қилдик. Ўз коллективимиз ишидан фахрландик. Албатта, бу вазифа зиммамизга катта масъулият юклайди. У кўп йиллик ва сермеҳнат ишдир.

Биз уч йил ичида Орол денгизи ҳавзасида сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш схемасини Сибирь дарёлари сувини бир қисмининг Ўрта Осиёга келишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқишимиз керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ бўлғуси ишлар программаси тузиб чиқилмоқда. Биз билан бирга ишлайдиган 25 илмий текшириш институти учун маълумотлар тайёрланмоқда. Азарий Кузьмич Кияткин схеманинг бош инженери қилиб тайинланди. Ҳукумат схемани кўриб чиқиб, тасдиқлагач, кейинги босқичдаги ишларни — айрим объектлар учун лойиҳа топшириқлари тузишни бошлаб юбориш мумкин. Биз Сибирь — Ўрта Осиё каналида қурилиш ишлари саксонинчи йилларнинг ўрталарида бошланишини кўзда тутиб ишламоқдамиз.

В. КАРПЕНКО.



БУХОРО ОБЛАСТИ. Свердлов районидаги Свердлов номли колхознинг аъзоси Тўймурод Ражабов чорак асрдан ортиқ вақтдан бери асаларичилик билан шуғулланади. Унинг ихтиёрида 80 та асалари уяси бор. Тўймурод Ражабов бу асалари уяларининг ҳар биридан 20 килограммдан асал олиш ниятида.

СУРАТДА: асаларичи Т. Ражабов.

А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ).

ЯНГИ СПЕКТАКЛЛАР

Муқимий номидаги Давлат музикали драма ва комедия театрининг ижодий коллективи ўз мухлисларини янгида янги бир спектакл билан хушнуд қиладилар. Бу ёзувчи Ҳамид Ғуломнинг «Ажаб савдолар» номли уч пардали музикали комедиясидир. Асарга Левиев музика басталаган, СССР халқ артисти Разоқ Ҳамроев саҳнага қўйган. Саҳна безаклари эса рассом Визели Георгий Александрович мўйқаламига мансубдир.

Асосий ролларни Ўзбекистон ССР халқ артистлари Соиб Хўжаев, Маҳмуджон Ғофуров, Турсуной Жаъфарова, Эътибор Жалилова, Машраб Юнусова, Республикада хизмат кўрсатган артистлардан Тамара Назарова, Бахтиёр Ихтиёров, Райхон Тўраева, солистлардан Муқаддас Каримова, Н. Носиров, Т. Мамедова ва бошқалар ижро этадилар.

Театрнинг ижодий коллективи В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тинмай меҳнат қилмоқда, театр коллективи ўз мухлисларини бир неча янги спектакллар билан хушнуд қилмоқчи, шу ойнинг охирларида «Ажаб савдолар» спектаклидан ташқари озарбайжон драматурги Шамхаловнинг «Қайнона» музикали комедиясини ҳам мухлислар эътиборига ҳавола қиладилар.

—Театримизнинг ижодий коллективи,— дейди театр директори Жўра Қосимов,— бир неча группага бўлиниб ўзларига берилган ролларни қунт билан ўрганмоқдалар. Коллектив бир неча пьеса устида иш олиб бормоқда. Шулардан иккиси «Ажаб савдолар» ва «Қайнона» спектакли тайёр бўлди.

Театр коллективи юбилей муносабати билан Зиннат Фатхуллин қаламига мансуб бўлган «Кумуш тўй», қорақалпоқ ёзувчиси Қамбергановнинг «Қорақалпоқ қизи» ва испан тилидан таржима қилинган Гарсио Лорканинг «Қонли тўй» асарларини саҳналаштириб, томошабинлар диққатига ҳавола қилиш арафасида турибди.

Бундан ташқари Ҳамза Ҳакимзоданинг туғилганига 80 йил тўлиши муносабати билан «Паранжи сирлари» спектакли қайта саҳналаштирилган. Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима» ва Собир Абдулланинг «Менинг жаннатим» саҳна асарлари устида ҳам иш олиб бориляпти.

А. САИДУМАРОВ.

Бахтиёрлар боғи

Нина лагернинг биринчи сменаси учун тузилган планни кўздан кечириб, бир зум жим қолди, кейин:

— Эҳ, топдим, энг керакиси қолиб кетибди-ку, — деб бошига секин чертиб қўйди.

— Ҳа, нима гап, спартакиадамиз пландан тушиб қолибдими? — деди физкультура-спорт раҳбари Борис Федорович.

— Йўқ, спартакиада эмас, «КВН» қолиб кетибди.

Улар икковлашиб планга қўшимчалар киритишди. Тошкентдаги Чопонота массивига жойлашган Юрий Гагарин номли пионерлар лагерининг девизи: «Ҳар қачон ва ҳар жойда Ленин биз билан» деб бошланади.

— Лагеримизда биринчи сменада 400 га яқин бола дам олади, — дейди тарбия ишлари бўйича лагерь бошлиғининг ўринбосари Нина Ивановна Зайцева. — Уларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун жуда кўп мазмунли машғулотлар белгиланган.

Узоқдан горн товуши янгради. Горннинг янгроқ овози ўт юрак пионерларининг саф тортиб турганлигидан дарак берди.

Ҳар горн янграганда пионерлар албатта бирор походга чиқадилар, спрот мусобақалари ўтказадилар. В. И. Ленининнинг 100 йиллик юбилейи шарафига бағишлаб «КВН», спартакиада, шанбаликлар уюштирадилар. Мана, бугун лагердаги қувноқлар Чопонота массивининг хушҳаво манзараларини ва диққатга сазовор жойларини томоша қилиш учун саёҳатга жўнаб кетишди.

А. НОСИРОВА.



• *«Ленин энг машҳур шахс»*

Белград ёшларининг фикри

БЕЛГРАД. (АПН мухбири). Пойтахтдаги педагогика институти 79 мактабнинг 2234 ўқувчиси ўртасида ҳозирги кундаги актуал масалалар бўйича савол-жавоб ўтказди. Бу анкеталардаги жавоблардан ёш белградликларни даставвал АҚШнинг Вьетнамдаги босқинчилик ташвишлантираётгани кўриниб турибди. Жавоб қайтарувчилар, бутун дунёда тинчлик бўлишини энг қимматли иш деб ҳисоблайдилар. В. И. Ленин барча вақтлар ва халқларнинг энг машҳур шахсидир. Жонсон, Мао Цзе-дун ва Моше Даян энг «ёқимсиз» кишилардир, нисбсизлик ҳозирги Югославия жамиятининг энг катта етишмовчилигидир деб қайд қилади. Улар М. Горькийнинг «Она», М. Шолоховнинг «Тинч Дон», М. Матчелленинг «Шамол олиб кетганлар» Э. Хемингуэйнинг «Қўнғироқ ким ҳақида жиринглайди», Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди», Д. Лондоннинг «Темир товон» китоблари жаҳон адабиётининг энг яхши асарлари деб тан олинди. Купчилик бу савол-жавобни ташкил этувчилар томонидан тақлиф этилган тўрт шордан «Доимо қуриш зарур, чунки тўхтаб қолиш кетда қолиш деган сўз» деган шиорни танлади.

Гданьск антимонити

Варшава. (АПН—Интерпресс) Гданьскдаги В. И. Ленин номли кемасозлик корхонасида Польшада энг йирик навбатдаги кашфиёт патентланди. Бу кашфиёт кемаларнинг ёғоч қисмларига шимдириладиган эритма бўлиб, унн ўтга чидамли қиладн. Бу янги эритмага «антимонит» деган ном берилди. У ёғочни 750 даражали иссиқ ҳарорат таъсиридан сақлай олади. Бу янгилик мутахассислар томонидан юксак баҳоланди.

Инженер Л. Госик ва Л. Голендзинов, верфь марказий лабораториясининг ходимлари, шунингдек Гданьск Марказий кемасозлик конструкторлик бюросининг ходими А. Новалинский антимонит авторларидир.

Чарчаганлик... графиги

БУХАРЕСТ. (АПН мухбири). Сиз чарчагансиз, ёруғлик ёки шовқин-сурон ғашингизга тегади. Врач Бухарестдаги меҳнатни муҳофаза қилиш илмий-текшириш институти томонидан конструкция қилинган аппарат кўрсаткичларини ўрганиб сизнинг асаб системангиз қандай даражада қақшаганн, сизни даволаш вақти етган-етмаганини аниқ била олади. Бу асбоб махсус датчиклар ёрдамида олинадиган импульсларни асбоб чизадиган график чизмига айлантиради.

Ярим ўтказгичлар билан ишлайдиган бу аппаратнинг ҳажми кичик, у 127 ёки 220 вольт қувватли ток билан ҳаракат қиладн. Шунингдек, бу аппарат ёрдами билан ишнинг ҳар қандай пайтида организм сарфлаётган кучни ўлчаш, асаб ва мускул таранглигининг ҳажми, ташқи таъсирнинг интенсив реакциясини ҳам ўлчаш мумкин.

Ф. АНГЕЛИ.

Вьетнамга совға

Болгария Халқ Республикасининг ҳукумати Вьетнам халқига совға қилиб топширган юк ташиш кемаси Болгария миллий қаҳрамони Христо Ботев номи билан аталган.

Хайфондаги тантанали маросим денгиз анъаналарига мувофиқ ўтказилди. Тонг ўтгач «Христо Ботев» кемасида икки экипаж —бир томонда Болгария денгизчилари, иккинчи томонда уларнинг вьетнамлик ҳамкасблари сафга тизилди. Команда овози янграйди. Кема қўйрутидаги байроқ дастасидан Болгария Халқ Республикаси савдо флотининг вимпели секингина туширилади. Вьетнам тилида яна команда берилади. Ўртасида сариқ рангли катта юлдузи бўлган қизил полотнони енгил шабада ҳилпиратади. Шу минутдан бошлаб кема ўз миллатини ўзгартириб. Вьетнам Демократик Республикаси ёш савдо флотининг флагмани бўлиб қолади.

Икки қардош мамлакат денгизчилари қўлларини маҳкам қисишадилар. Иккала экипаж ҳам иш ўрнини эгаллайди. Кемани биринчи рейсга тайёрлаш керак. Болгариялик ўртоқлар учун бу рейс «Христо Ботев» билан хайрлашув рейси. Улардан кўплари шу кемада ўзининг меҳнат йўлини бошлаган эди. Вьетнамлик ўртоқлар учун эса бу рейс янги кема билан таништув рейси.

Мен Болгария экипажи партия ташкилотининг секретари электротехник Атанас Петров билан суҳбатлашдим. У шу кемада беш йилдан бери сузиб уни яхши билиб олган. Кеманинг денгизда сузишдаги сифатларига юксак баҳо бериб шундай деди:

— Вариадан олиб Ҳайфонгача бўлган рейс 75 кеча-кундуз давом этди. Кема ўз тарихида биринчи марта шундай узоқ муддатли сафарда бўлди. Экипажимиз қийинчиликларга қарамай топшириқни шараф билан бажарди. Америка самолётларининг Тонкинг қўлтиғида хатарли баландликда туриб кема устидан учиб ўтиши денгизчиларимизни чўчитолмади. Улар бизнинг нима олиб бораётганимизни билишмоқчи эди. Бизлар темир, станоклар, асбобускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари, хуллас, уруш вайрон қилган халқ хўжалигини қуриш ва тиклаш учун республикага зарур бўлган тинчлик юклари олиб бораётганимизни яширмадик ҳам. Мен «Христо Ботев» Вьетнам Демократик Республикасининг ёш савдо флотига ҳам яхши хизмат қилади деб ишонаман.

Вьетнам халқи қардош халқ томонидан кўрсатилган бирдамликнинг бу конкрет кўринишини юксак баҳоламоқда. Вьетнам Демократик Республикаси транспорт министрининг ўринбосари Зионг Бак Льеннинг митингда айтган қуйидаги сўзи бундан далолат бериб турибди. У шундай деди:

— «Христо Ботев» кемасининг берилиши бизнинг учун катта аҳамиятга эга. Бу иш айниқса ҳозир босқинчилар устидан қатъий ғалабани яқинлаштириб янги муваффақиятларга эришаётган Шимол ва Жанубдаги халқларимизнинг маънавий кучини мустаҳкамлайди.

...Хайфон портидаги бу кеманинг оппоқ устки қавати узоқлардан кўриниб туради. «Христо Ботев» яқин вақтларда Вьетнам Демократик Республикасининг байроғи остида ўзининг биринчи меҳнат рейсига чиқади. Тинч сувларда ва тинч осмон тагида унга бахтли сафарлар бўлишини истаймиз!

Б. ШУМЕЕВ,
АПН мухбири.

ҚУРУВЧИ СОЛДАТЛАР

СОФИЯ. (АПН — «София-пресс»). Болгария пойтахтининг кўчаларида Болгария ҳарбий кийими кийган қора танли ёшларни тез-тез учратиш мумкин. Улар генерал Благой Иванов номидаги меҳнат офицерлари Халқ ҳарбий билим юртининг курсантларидир. Тарбияланувчилар билим юртини тамомлаб чиққандан кейин лейтенант унвони оладилар ва ватанларига қайтиб келгач мунтазам меҳнат армияси юзага келтиришда актив иш олиб бора бошлайдилар.

Чет эллик курсантлар ҳозирча тил билмаслик қийинчиликларини енгиб, ҳарбий ишни қунт билан эгаллаётирлар. Саноат корхоналарининг бинолари ва йўлар қуришни ўрганмоқдалар.

Силвестр МИЛЧЕВ,
болгар журналисти.



ВЕНГРИЯ. Халқаро пролетариатнинг доҳийси В. И. Ленининг бу ҳайкали Цегледа шаҳридаги В. И. Ленин номли боғда ўрнатилган.

МТИ—ТАСС фотоси.



КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Халқ ҳокимияти йилларида Корея Халқ Демократик Республикаси иқтисодий қолоқ мамлакатдан индустриал-аграр мамлакатга айланди. Ҳозир КХДР саноати халқ хўжалигини эҳтиёжи учун турли хил асбоб-ускуналар, машина ва дастгоҳлар, тракторлар, газламалар, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаряпти.

СУРАТДА: тўқимачилик фабрикасида.

ЦТАК—АПН фотоси.

Анъанали ярмарка

ПРАГА. (АПН мухбири). Брно шаҳрида бўлиб ўтган кенг истеъмол моллари ярмаркаси якунланди.

Чехословакиянинг 1 500 халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи 87 корхона ва фирмаси ўз маҳсулотини кўргазмага қўйди. Ярмаркада ЧССР корхоналаридан ташқари 22 чет эл фирмаси қатнашди. Совет ташқи савдо ташкилотлари кейинги моделдаги телевизор ва радиоприёмникларни, шу жумладан транзисторли радиоприёмникларни, фото ва кино аппаратларини, ов милтикларини, мангий электро техника буюмларини, озиқ-овқат маҳсулотларининг кенг ассортиментини, шунингдек мўйна, халқ ҳунармандчилиги буюмлари, газмол ва тайёр кўйлакларни кўргазмага қўйдилар.

Павильонларнинг бирида икки машҳур рус устаси — ёғоч ўймакори М. Потопов ва рассом Н. Сальников ўз санъатларини намойиш қилдилар. Ярмаркада бўлган ЧССР президенти Л. Свобода бу усталар ёнида бироз турib қолди ва уларнинг ишига юксак баҳо берди. Усталар унинг кўз олдида тайёрланган асарни унга инъом этганларида президент уларга миннатдорчилик билдирди ва улар билан фотосуратга тушди. Бу фотосурат чехословакиянинг деярли ҳамма газеталарида босилди.

Бу йилги ярмаркасининг савдо-сотиқ томонига келсак, у ярмаркани ўтказувчиларнинг ҳам, экспонат қўювчиларнинг ҳам ишончини оқлади. Кўпгина ўзаро фойдали савдо-сотиқ битимлари тузилди. Совет ташкилотлари ҳам намуналари Брнода намойиш қилинган молларни турли мамлакатларга сотиш юзасидан тузилган битимларни имзоладилар. Брно ярмаркасини йил сайин ўтказишга қарор қилинди.

А. ШАМШИН.



Истамбул,
7 декабрь 1963 йил.

ВИЖДОН АЗОБИ

Зайнаб!

Нима ёзсам, шуни мақтаяпсан. Бу билан сен мени яхшироқ ёзишга даъват этяпсан. Илиқ гапларинг учун раҳмат. Бир хатингда «сен нуқул куладиган нарсаларни ёзасан» деган эдинг. Эсингдами? Бу гапинг кулгидан йироқ, юракни эзиб юборади. Воқеани ўқитувчидан эшитдик. Бизга жуда-жуда таъсир қилди.

Тунов куни дарсда Ҳусайн китобдан бир нимани ўқиб бераётган эди виждон азоби, деган бириктмага дуч келди. Ўқитувчимиз уни тўхтатиб, виждон азоби нима эканини бизга роса тушунтириб берди. Кейин «Мана шунга виждон азоби дейилади. Тушунарлими?» деб сўраган эди, ҳаммамиз «Тушунарли, тушунарли» деб айтдик.

— Тушунарли бўлса, энди бунга мисол келтирамиз.

Яшар қанақа бола эканини ўзинг биласан. Ҳозир ҳам орқа партада ўтиради. Фикри дарсда эмас, бошқа нарсаларда. Дам ёнидаги маркаларини санаса, дам қоғозга расм чизиб ўтиради. Ўқитувчи тўсатдан Яшарни чақириб қолди.

— Қани, Яшар сен айт-чи, виждон азобига ҳеч учраганмисан?

Яшар ўқитувчининг олдинги гапларини сира эшитмаган. Чунки ўйин билан овора эди. Лекин қув бола эмасми, «ҳа, дедим, тутилдим, йўқ, дедим, қутилдим» қабилида иш кўрганим маъқул, деб ўйлади. Шунинг учун:

— Йўқ, ўқитувчим, сираям виждон азобига учрамаганман, — деб жавоб берди.

— Ия, бу қандоқ бўлди?! Виждонинг ҳечам азобланмаганми?

— Ҳечам, ўқитувчим.

Нашъа ҳамиша маҳмаданалик қилади. Ўқитувчининг кўзига бўзрайиб қараб турганида, секин қўлини кўтаради. Шундаям тинч ўтиролмайди, ҳадеб:

— Мен айтиб берай. Менга сўз беринг, менга сўз беринг, — деб жаврайверади.

— Ҳа, майли, Нашъа, сен айтиб бера қол. Қани, неча марта виждон азобини тортгансан, нима воқеа рўй берган, эшитайлик.

— Виждон азобига кўп учраганман, —жавоб берди Нашъа керилиб.

— Бўлмаса эшитайлик.

— Қайсинисини айтиб берай?

Синфдагилар шарақлаб кулиб юборди. Шўринг қурғур Нашъа вақтдан ютмоқчи бўлган эди-да.

Ўқитувчимиз ҳам мийиғида кулиб қўйди.

— Оббо Нашъа-ей! Виждонинг жуда кўп азоб тортган экан-да?! Майли, ўзингга маъқулини гапириб бераверсанг.

Нашъа одатдагидек ғўлдирай бошлади. Одатини ўзинг биласан, ҳамиша шунақа қиладиҳ. Гапни роса резинкадай чўзади. Бу сафаргиси айниқса ошиб тушди. Охири:

— Каттага иззат, кичикка ҳурмат кўрсатиш керак, — деб минғиллади.

Унинг бу насиҳатомуз гапи ўқитувчини ҳам қизиқтириб қўйди.

— Хўш, иннайкейин? — сўради у Нашъани баттар ҳовлиқтириб.

— Бир хотин ўғлига шу гапни айтиб турган экан қўққисдан кўча эшиги тақиллаб қопти. Бояги хотин деразадан мўралаб қараса, қайнотаси эмиш. Дарҳол ўғлини чақирибди-да, «Бор, эшикни оч, буванг келди, мени сўраса, уйда йўқлар деб айт», дебди. Бола югуриб бориб эшикни очипти, кейин: «Буважон, ойим уйда йўқлар, кўчага чиқиб кетувдилар» дебди. Буни эшитган чол неварасига: «Ўғлим, ойингга бориб айт, кўчага чиқиб кетадиган бўлса калласини деразага кўйиб кетмасин» деб орқасига ўгирилиб кетаверибди.

Нашъа гапини тугатгач, чуқур тин олди.

—Бу гапнинг сенга алоқаси борми?

— Йўқ, мен буни бир журналда ўқиган эдим.

— Ундай бўлса бунинг сенга нима даҳли бор?

— Менга эмас, ўша боланинг онасига даҳли бор. Виждон азобини у тортган.

Ўқитувчимиз ҳаммадан бир-бир суриштириб чиқди. Маълум бўлишича, орамизда ҳеч ким виждон азобига учрамаган экан. Ҳамма бирозларни мисол қилиб келтирди.

— Демак, сизлар виждон азоби нималигини ҳали билмас экансизлар, — деди ўқитувчи савол-жавобдан кейин. —Бирор шахс бирор ножўя иш қилган ва кейин ўзи пушаймон бўлган тақдирда у виждон азобига дучор бўлади. Унинг бу ножўя ҳаракати кимгадир оғирботиши керак.

Ўқитувчи бироз ўйланқираб турди-да, кейин қўшимча қилди:

— Ҳозир мен сизларга бир воқеани айтиб бераман. Виждон азоби учун типик мисол бу.

Ҳаммамиз жим бўлдик.

— У пайтлари биз лицейда ўқирдик. Директоримиз жуда баджаҳл одам эди. Уқишларни бошлаб юборганимизга энди икки-уч кун бўлган. Синфимизда янги бола пайдо бўлди. Бошқа мактабдан ўтган экан. Ҳали унинг исм-шарифини билмасдик. У доим бир қўлини шимининг чўнтагига тиқиб юрарди. Ҳали яхшироқ танишиб олмаганимиз учун нега бундай қилиб юришини сўрамаган эдик.

Бир куни катта танаффусда лицей ҳовлисида ўйнаб юрган эдик, бирдан директор келиб қолди. Янги болага кўзи тушган бўлса керак, дарҳол уни чақирди. Бола югуриб келди. Келишга келди-ю, лекин чўнтагидан қўлини олмади.

Ўйин тақка тўхтади. Боланинг қўли ҳамон чўнтакда. Ҳаммамиз хавотирга тушдик. Чунки директор қанақа баджаҳл одам эканини биламиз.

— Нега қўлингни чўнтакка тиқиб турибсан? — ўдағайлади у.

Янги бола бошини қуйи солганича чурқ этмай тураверди.

— Чиқар қўлингни!

Директор қаттиқ ўшқирди. Бола қимир этмади.

— Кармисан, сенга айтяпман!

— Эшитдим, афандим, — зўрға жавоб берди у.

— Эшитган бўлсанг нимага серрайиб турибсан! Ол қўлингни!

Бола секин бошини кўтариб, атрофини ўраб олган тенгқуролариға, кейин эса қаршисида турган директорга мўлтираб қаради. Аммо чўнтакдаги қўлини қимирлатмади.

— Безорихона эмас бу ер! Айтган гапни қип, аблаҳ!

Қони қайнаган директор қулочкашлаб туриб боланинг бетига қаттиқ тарсаки туширди. Бола гум этиб ерга ағдарилди. Шимининг чўнтагига тиқилган чап енги шалвираб ёнига тушди.

Ҳамма турган жойида қотиб қолди. Ўртага мудҳиш сукунат чўкди. Директор сурат бўлиб қолган эди.

Бола қўлсиз экан. Бир қўли йўқлигини бизга билдирмаслик учун енгини шимининг чўнтагига қайириб юраркан.

Директорнинг кўзига ёш келди. Ерга энгашиб болани ўрнидан турғазди. Кейин синиқ оҳангда:

— Шуни илгарироқ айтсанг бўлмасмиди, бўтам, — деганича уни қўлтиғидан олиб, хонасига бошлаб кетди.

Ўша кунги «воқеадан кейин қўлсиз болани мактабда қайта кўрмадик. Бола бечора умуман мактаб остонасига бошқа қадам босмабди. Директор унинг уйига бориб, ўзидан ва ота-онасидан кечирим сўради. Мактабга қайтиб келсин, ўзим унга қараб юраман, деб ялинибди ҳамки, бола бу даргоҳга қайта қадам босмади.

Ўқитувчимиз ҳикоясини тугатгач, синфга чуқур жимлик чўкди. Ҳаммани оғир ҳаёллар чулғаб олди.

Танаффусга қўнғироқ чалинди.

— Шу воқеадан кейин лицей директори бир умр виждон азобини тортиб юрган бўлса керак. Мана, кўрдингизми, виждон азоби шундоқ бўлади, — деди ўқитувчи синфдан чиқаётиб.

— Ўқитувчининг ўзиям бошқа одамларнинг виждон азобини гапириб берди-ку, — ҳайрон бўлди Нашъа анча сергакланиб олгач.

Дарвоқе, тўғри. Ўқитувчимиз ҳам худди бизга ўхшаб бировларнинг бошидан кечган воқеани айтиб берган эди.

Ўгилбола гапни Яшар айтди.

— Масала равшан, болалар. Виждон азоби деган нарса эгасининг эсида турмас экан. Ҳамма бировларникини айтиб юраркан.

Эртаси куни Дамир янги гап топиб келди.

— Мен буни дадамдан сўрадим. Дадам болаларда виждон азоби бўлмайди; чунки улар ҳали балоғатга етмаган, деб айтдилар. Виждонга тўғри келмайдиган ишлар катталарнинг қўлидан келаркан.

Биламан, энг тўғри гап шу. Хўш, сенинг фикринг қалай? Шунга қўшиласанми?

Ҳар куни ўқишдан келгач, ойимдан менга хат борми, деб сўрайман. Мени хурсанд қилмоқчи бўлсанг, тезроқ жавоб ёз. Яхши кунлар ёр бўлсин сенга, Зайнаб.

Аҳмад ТАРБАЙ.

САККИЗ ҚИЗНИНГ ОТАСИ

Анқара,
10 декабрь 1963 йил.

Аҳмад!

7 декабрда ёзган хатингни кеча олдим. Ўқитувчингиз жуда аламли воқеани гапириб берган экан. Директордан калтак еб, ерда чўзилиб ётган ногирон бола ҳамон кўз ўнгимда турибди. Бирам юрагим эзилиб кетдики...

(ДАВОМИ БОР).

(ДАВОМИ. Бошқа газетанинг ўтган сонларида).

Экран яниликлари

«Дакийлар»

Ҳозирги Руминия территориясида, Адриатика соҳилларида Дакия деган бир музофот бўлган. Унда жасур халқ-дакийлар улуси яшаган. Дакийлар матонатли, жасоратли, ватанпарвар халқ бўлиб, она юртларини босқинчи ёвлардан мардона ҳимоя қилганлар. Бу жанговар халқ сўлим табиат қўйнида, ложувард денгиз бўйида яшаган. Бу мамлакатга чет эл фотехлари кўп марта ҳужум қилганлар. Шу сабабли улар қалъаларни улкан деворлар билан ўраб олганлар, шаҳарни қудратли ҳарбий истеҳкомга айлантирганлар, йигитларни жасурлик, матонат кўрсатиш руҳида тарбиялаганлар. Шунга қарамай босқинчиларнинг ҳужумлари давом этаверган. Ана шундай юришлардан бири Рим императори Домициан замонида бўлган. Дакийлар шоҳи Децебал босқинчиларга қарши мудофаа урушига тайёргарлик кўрди ва қалъани у кўп сонли императорлик легиони лашкарларидан ҳимоя қилди. Шундай қилиб, Дакия Рим империясининг бир провинциясига айланиб қолди.


Бу воқеалар экранларимизга чиқаётган «Дакийлар» номли кенг экранли, рангли бадиий фильмда ниҳоятда ифодали талқин этилган.

Фильм режиссёри С. Николаеску, сценарий муаллифи Т. Попович руминларнинг бобокалонлари тарихидан энг ёркин саҳифаларни экранда жонлантириш орқали халқни, айниқса ёшларни жасорат, ватанпарварлик фидойилик анъаналари руҳида тарбиялашни мақсад қилиб қўйган. Фильм тарихий эпопея бўлгани сабабли унинг тасвирий воситаларига катта эътибор қилинган. Рассомлар Ливиц Попо, Виорел Геня билан оператор Костак Чибетару фильмнинг тасвирий томонлари, эпизодларнинг кенг кўламли, ифодали, қизиқарли бўлиб чиқишига эришганлар.

Сценарист Т. Попович бундай дейди: — Бурчимиз экран имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, кинода тарихимизнинг буюк қаҳрамонлари қиёфасини кўрсатиб бериш-дир. Унинг хотираси кўҳна қалъа тошларидагина эмас, балки онгимизда ҳам мангу яшагусидир.

Композитор Теодор Григориу фильмнинг руҳига мос қаҳрамонлик туйғуларини мадҳ этувчи куй басталаган.

Фильм «Бухарест» (Руминия) ва «Франко-Лондон фильм» (Франция) киностудиялари ҳамкорлигида яратилган.



СУРАТДА: «Дакийлар» фильмидан кадр.

«Чашма узра ташналик»

«Мосфильм» киностудиясида ишланган мазкур фильмнинг сценарийсини Юлиу Эдлис ёзган.

Мамлакатимизда энг йирик ҳисобланган рангли металл қонидан бир неча чақирим наридаги Таймирда гидрологик пост жойлашган. Бу пост йил давомида кузатиш ишларини олиб боради. Бу ерда ёш гидролог Лёша истиқомат қилади ва ишлайди. Лёшага ёрдамчи қилиб бир қизни юборишади. Замонанинг зайли билан қиз ва йигит бир жойда яшаб, бир жойда ишлашга мажбур бўладилар.

Фильм инсоннинг ҳаётда тутган ўрни ҳақида ҳикоя қилади. Кишининг ҳаётда ўз ўрнини топиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Мабодо киши шу ўрнини ҳақиқатдан ўзиники эканлигини ҳис қилса, у ҳаётда онгли, саодатли яшайди.

Лиза Москвадаги уйини ташлаб кетар экан, у ҳаётдаги ўз ўрнини қаерда ва истеъдоди нимада эканлигини излайди. Бу изланишда Лиза катта хатога йўл қўяди. У ҳамма нарсани ўз-ўзидан излайди. Аммо бу нарсаларни меҳнатда, фикрлаб қалбдан топиш кераклигини билмасди.

Лёша қизни тушунади. Бу борада Лёша маҳмадоналик, насиҳатгўйлик қилмайди. Лёша ўзини кўп нарсани биладиган чин инсон қиёфасида кўрсатади. У ўзининг хатти-ҳаракатлари, юриш-туришларини ҳаёт билан узвий боғлайди.

Ўз вақтида Лиза ҳам йигит қалбига чироқ ёқади. Натижада йигит ҳам самимий севги билан суғорилган ҳаёт сермазмун, янада гўзал бўлишига ишонч ҳосил қилади.

Йигит билан қизнинг бир-бирига етишган куни ўша ерда тўй бўлади. Улар бир-бирларига етишганларидан сўнг ўз севгиларини асраш, қалб назокатларини ардоқлаш ундан ҳам қийин бўлади.

Фильмга Юрий Калев, Константин Осинлар режиссёрлик қилганлар.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

10 ИЮНЬ
СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Чўлга ҳужум давом этмоқда» деган эшиттириш (русча). 18.10 Клаудио Вилла куйлайди. 18.40 Спорт эшиттириши (ўзбекча). 19.20 Б. Бровцин: «Семурғ» балетидан парчалар. 20.00 «ЁШЛИК» радиостанциясининг программаси. 20.40 Ёшлар учун концерт. 21.00 «Ленинпома» программаси (русча). 21.30 «Қишлоқ меҳнаткашлари, сизлар учун» деган концерт. 22.20 Рақс куйлари. 22.40 Севимли ёзувчилар радиокутубхонаси. И. С. Тургенев ҳикоялари (ўзбекча), 23.15 Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Назарат. «Ҳаёт ҳикояси» поэмаси асосида радиоинсценировка. 19.30 Совет Армияси жангчилари учун концерт (русча). 20.00 Тожикистон композиторларининг қўшиқлари. 20.30 Қорақалпоқ куйлари. 20.50 «Элек соҳилидаги шаҳар». Қозогистон радиосининг эшиттириши (русча). 21.00 Ғафур Ғулом ҳамид Олимжон ҳақида деган адабий эшиттириш (ўзбекча). 21.40 Москва.

11 ИЮНЬ
ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. 7.40 «Ялла» концерти. 8.25 Андижон область театри артистларининг концерти. 9.30 М. Насимов, Х. Шарипов. «Дилбарим» лирик сюитаси. 9.50 «Партия қарорлари ва ҳаётга татбиқ этамиз» деган суҳбат (тожикча). 11.15 «В. И. Ленин совет кишиларининг фаровонлигини ошириш ҳақида» деган суҳбат (ўзбекча). 11.30 А. Козловский. «Лола» сюитаси. 13.30 Лирик куйлар. 15.15 «Раҳмат, доктор!», Украина радиосининг эшиттириши (ўзбекча). 15.30 Симфоник куйлар. 16.10 «Санъаткорнинг бахти». СССР халқ артисти Саодат Қобулова ҳақида концерт-очерк. 16.50 «Правда» газетасининг обзори.

18.00 «Халқ контроли амалда» (русча). 18.10 И. Иордан. Скрипка ва оркестр учун концерт. 18.40 Спорт эшиттириши (русча). 19.20 Қозоқ куйлари. 20.00 «Ўзбекистон ишчиси» радионурнали. 20.30 Саноат ходимлари учун концерт. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). 21.10 Қишлоқ хўжалик ходимларининг талабларига мувофиқ концерт. 22.20 Тожик куйлари. 22.40 Шеърият кечаси (ўзбекча). 23.15 «Куйлар тинглаб, дам оламиз» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Дўстларимиз эстрадаси. 19.00 «Ленин ҳақида куйлаймиз» деган концерт (ўзбекча). 19.30 Ўзбекистон ёзувчиларининг ҳикоялари. Х. Тожибоев. «Улар ширин ҳаёт кечирсинлар деб» (русча). 20.00 Тожик халқ куйлари. 20.30 Корейс куйлари. 21.00 «Қардош халқлар адабиёти». Қозоқ ёзувчиси Габит Мусрепов ҳикоялари (ўзбекча). 21.40 Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 К. Симонов. «Тўртинчи». Халқ радиотеатрининг спектакли (русча). 16.00 Ўзбек кўйлари. 17.00 СССР санъат усталарининг концерти.

ТЕЛЕВИЗОР

10 ИЮНЬ
СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.35 Телевизион янгиликлар. 18.50 Болалар учун мультфильм. 19.10 Реклама. 19.15 Ленинча меҳнат вахтаси. 19.35 Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 19.40 Ўн минут музика. 19.50 Телевизион янгиликлар. 20.05 «Пропагандист» тележурнали. 20.35 «Туғишгандан афзал». Бадиий фильм (рус тилида). 22.00 Пиллачиларнинг меҳнат рапортлари. 22.20 Телевизион театр. Х. Олимжон: «Зайнаб ва Омон». Телевизион спектаклнинг премьераси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. 20.00 Телевизион янгиликлар. 20.15 «Халқ тасвирий санъат усталари». 21.00 Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун «Музикали уйча» 21.30 Интервидение. Запорожье металлургия комбинатидан репортаж. 22.00 Бадиий фильм: 23.30 «Вақт» информацион программаси. 00.15 Эстрада усталари. Любовь Орлова. 01.45 Янгиликлар. шарҳлашлар, кўрсатувлар программаси. 02.00 Москва кўрсатувларининг охири.

11 ИЮНЬ
ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Рус тилида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 18.45 Ленин кутубхонаси. 19.00 Рақс ўрганамиз. 19.40 Телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. 20.00 Телевизион янгиликлар. 20.15 Рангли телевидение программаси. Фильм-концерт. 21.30 «Биз — коммунистлар» Телеочерк. 22.00 «Опера билан танишув» С. Монюшко. «Галька». 01.15 Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Болалар учун концерт (ўзбек тилида).

Рус тилида: 19.05 Болалар учун телефильм. 19.25 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа.

Ўзбек тилида: 20.05 Наманган шаҳар маданий-оқартув техникуми бадиий ҳаваскорларининг концерти.

Рус тилида: 20.45 «Ода». Ҳужжатли фильм. 20.55 Музикали саёҳат.

Ўзбек тилида: 21.40 «Одамлар, ишонинг менга». Бадиий фильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМ ТЕАТРДА —10|VI да Мария Стюарт, 11|VIда Шоҳ Эдип (кеч соат 8 да).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —11|VI да Жон қизлар (ёзги бинода), 12|VI да Катта концерт (ёзги бинода).

Кино

10 ИЮНДА
ҚИШКИ БИНОДА

Дакийлар —САНЪАТ САРОЙИ «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», ДРУЖБА» НАВОИЙ номли, «МОСКВА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Уруш—уруш-да! — «ЎЗБЕКИСТОН», ВОСТОК» (кечқурун).

Бир юз биринчи сенатор — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Эркинча гап —«МОСКВА» (кеч соат 9.20).

11 ИЮНДА
ҚИШКИ БИНОДА

Дакийлар — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Уруш— уруш-да— «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Ҳаводаги саргузаштлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Чашма узра ташналик — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Бир юз биринчи сенатор — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Эркинча гап — «МОСКВА» (кеч соат 9.20 минутда).

Рошфоралик қиз — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИ ТЕХНИК КАБЕЛЛАР ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ВА РАДИОРЕЛЕЛАР МАГИСТРАЛИ БОШҚАРМАСИГА

радиоалоқачи инженер ва техниклар, Тошкент шаҳрига ҳамда Сурхандарё ва Кашқадарё областига бухгалтер

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент—105, Манзилар кўчаси, кадрлар бўлими. Телефонлар 1-1-65-69, 1-1-68-69.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

20 июнь эрталаб соат 10 да Тошкент политехника институти химия-технология факультетининг совети кенгаши (Т. Шевченко кўчаси, 1 уй)да техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Н. А. Габриелян: «Қора тог фосфоритининг нитрат кислотасида парчалаб олинган эритмасини сульфокатионит системасида ион алмашиниш процессларини текшириш» деган темада;

П. Р. Исматуллаев: «Адсорбцион материаллар намлигини ўлчаш усуллари ва автоматик текширишнинг тадқиқоти» деган темада.

20 июнь эрталаб соат 10 да Тошкент политехника институти геология-қидирув ва тоғ-металлургия факультетларининг совети кенгаши (Гоголь кўчаси, 68 уй)да техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

М. А. Нурлибоев: «Алмос исканаси билан пармаланган акватинани тўғрилаш учун ишлаб чиқарадиган кичик диаметрли шар оқими асбобини текшириш ва яратишга доир» деган темада;

К. К. Баталов: «Скважинанинг ички сиртини айланма расмга олиш асбобини текшириш ва яратишга доир» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Навоий кўчаси, 13 уй)да танишиш мумкин.

23 июнь эрталаб соат 10 да Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институтининг илмий совети кенгаши (49 аудитория)да техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Фам Тхи Минь-Ха: «Пилла тортиш станоги гажагининг ишини текшириш» деган темада;

Э. Г. Раҳимов: «Пахта тозалагич арра тиши геометрик қурилишининг баъзибир параметрига аманит масалалари» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Тошкент шаҳар, 2-Выборг кўчаси, 5 уй) да танишиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР, А. НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА
21, 22, 25 ИЮНДА

«СЕВГИ ТУМОРИ»

Премьера

3 кўринишли, 6 пардали балет.

(В. Гарги «Сонни ва материал» драмаси мотиви асосида)

М. Ашрафий ва Г. Миллер либреттоси.

Дирижёр —СССР халқ артисти, Давлат мукофотлари лауреати, профессор Мухтор АШРАФИЙ.

Постановкачи —балетмейстер —СССР халқ артисткаси, ССР Давлат мукофоти лауреати Галия ИЗМАЙЛОВА.

Рассом — ЎзССР халқ рассоми Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР Давлат мукофоти лауреати Мели Мусаев.

Постановканинг бадиий раҳбари — БССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, РСФСР да хизмат кўрсатган артист А. АНДРЕЕВ.

Кеч соат 7 яримда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ ТЕЛЕГРАФИГА

телеграф алоқаси инженерлари, телеграф техниклари, алоқа монтёрлари, телеграфчилар, бухгалтёрлар, ҳамда, телеграфчи ва алоқа монтёрлари касбига ўргатиш учун шогирдлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор, 1 уй (6, 9, 11 гроллейбуслар, квартал Гагарин кўчаси 40 2, 23, 26, 54 автобусларнинг «Пионерский» бекати).

Ўзбекистон ССР министрлар Советининг Давлат план комитети ва «Экономика и жизнь» журнали редакцияси коллективлари фотомухбир А. А. Тўхтахўжаевга рафиқаси

Машнура

ТУХТАХЎЖАЕВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 10 ИЮНЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЯ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, Саноат транспорт, қурилиш бўлимлари 33-27-03, аҳборот бўлими 33-65-57, эълонлар бўлими 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти-нинг босмахонаси Тошкент шахри

НАШР 2772. Р. 06545

Индекс 64579.